



БОБОЖОН САНОЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ АСАРЛАРИ

ШАКИРОВА ШОҲИДА

Катта илмий ходим-изланувчи, ТошДШИ

Аннотация. Хоразм таржима мактаби анъаналарини тадқиқ этмай туриб, бу ўлкадаги адабий муҳит ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш қийин.

Мақолада Саной ижоди ҳақида қисқача маълумот берилиб, унинг “Канз ул-маориф” ва “Ҳадиқаи азҳор” тасаввуфий-ирфоний асарлари ҳамда таржима асарлари ҳақида ҳам тадқиқ қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: Бобожон Саной, XVIII–XX аср Хоразм таржима мактаби, тасаввуфий-ирфоний шерият, “Канз ул-маориф”, “Ҳадиқаи азҳор”, “Ҳафт кишвар”, нафс.

Аннотация. Не исследуя традиции хорезмской переводческой школы, трудно получить представление о литературной среде этой страны.

В статье вместе с краткой информацией о творчестве Санои, рассматриваются его суфийско-ирфанические произведения: «Канз ул-маориф» и «Ҳадиқаи азҳор», а также его переводческие произведения.

Опорные слова и выражения: Бобожон Саной (Хорезмский поэт, писатель и переводчик), Хорезмская переводческая школа, суфийско-ирфаническая поэзия, «Канз ул-маориф» («Сокровищница знаний»), «Ҳадиқаи азҳор» («Цветочный сад»), «Ҳафт кишвар» («Семь стран»), нафс (эго).

Abstract: Without researching the traditions of Khorezm School of translation, it is difficult to get an idea of the literature circles of this country. The article looks through the brief information about the work of Sanoi, also his Sufi-irfan works: "Kanz-ul-Maorif" and "Hadikai Azhar", as well as his translation works.

Keywords and expressions: Bobodzhon Sano (Khorezm poet, writer and translator), Khorezm translation school, Sufi-irfan poetry, 'Kanz ul-Maorif' (Treasury of Knowledge), 'Hadikai azhor' (Flower Garden), 'Haft Kishwar' (Seven countries), nafs (selfness).

XVIII асрнинг охиридан XX асрнинг бошларигача давом этган Хоразм таржима мактаби ўзбек таржимачилик тарихида энг сермахсул ва баракали давр бўлган, десак, янглишмаган бўламиз. Ушбу даврда араб, форс, озарбайжон ва усмонли турк тилларидан маънавий оламнинг бут бўлишига кўмаклашувчи 150 номдаги адабий, тарихий, фалсафий-ирфоний, диний-ахлоқий йўналишдаги асарлар таржима этилиб, ўзбек халқининг маънавий мулкига айланди¹. Илгари фақат мадраса аҳли баҳраманд бўлган асарлар маҳоратли таржимонлар томонидан оддий халқ тилига ўгирилгач, маърифатнинг умрбоқий сарчашмаларидан кенг омманинг бевосита баҳраманд бўлишига имкон яратди. Шу билан бирга, ушбу таржималар орқа-

ли зиёли қатламнинг асл манбалардан боҳабарлиги кучайиб, тафаккур тарзи ва дунёқараши ижобий томонга ўзгарди, ўзбек тили янада ривожланиб, лексик қатлами бойиди. Шу сабабли, Хоразм таржима мактаби анъаналарини тадқиқ этмай туриб, бу ўлкадаги адабий муҳит ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш қийин. Муҳаммад Раҳимхон Феруз ва Муҳаммадризо Огаҳийлар бошчилиқ қилган ушбу таржимачилик силсиласида хоразмлик файласуф, шоир ва таржимон Бобожон Саной алоҳида ўрин эгаллайди.

Бобожон Саной ҳақида маълумотлар жуда оз. Лаффасий тазкирасида айрим ишоралар ҳамда Санойнинг ўзи асарлари ва таржималаридаги муқаддима қисмида қилинган қайдларидан шу нарса ойдинлашадик, унинг тўлиқ исми Мулло Бобо валади Худойбердибек бўлиб, Саной тахаллусини унга Саид Муҳаммад Давлатбий Махдум

¹ Комилов Н. Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати. Филол. ф.н. дис. – Т., 1970. 12-б.



исмли маърифатли зот қўйган¹. Бобожон Санойи фақат таржимонлик билан шуғулланибгина қолмасдан, “Ҳадиқат ул-азҳор ва жавоҳир ул-асрор” (“Туллар боғчаси ва сирлар жавоҳири”), “Канз ул-маориф” (“Маърифатлар хазинаси”), “Достонҳои манзум” (“Шеърӣ ҳикоятлар”) каби мустиқил асарлар ҳам яратиб, ўзбек адабиётининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Санойининг ўзи гувоҳлик беришича, асосан фалсафа ва ҳикмат илмларига қизиқиши катта бўлган. У Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Абу Наср Форобий асарларини қунт билан ўрганиб, бу улугъ файласуфларнинг асарларида баён этилган теран ҳулоса ва фикрларни соддалаштирилган ҳолда оммага етказишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, унинг таржимонлик фаолияти давомида ҳосил қилган билим ва таҷрибаларни ҳам унинг ижодкорлик лабораториясига кўрсатган таъсирини инобатга олиш зарур. Жумладан, унинг қаламига мансуб “Ҳадиқаи азҳор” ҳамда “Канз ул-маориф” асарлари Фаҳрий Ҳиротийнинг “Ҳафт кишвар” (“Етти мамлакат”) достонининг таржимаси² билан бир вақтда – 1859 йили ёзиб тугатилган. Бу эса, Санойининг таржимонлик ҳамда ижодкорлик масалаларини комплекс равишда тадқиқ этишни тақозо этади.

Маълумки, бугунги кундаги таржимашунослик мезонларига кўра, таржима аслиятга қанча яқин бўлса, шунчалик муваффақиятли чиққан ҳисобланади. Аммо мумтоз таржималар бу ҳолатдан мустасно бўлиб, ҳар бир таржимон ўзига хос бир адабий ҳодиса сифатида баҳоланиши тақозо этилади³. Шу билан бирга, таржимонлик малакаси ижодкорнинг дунёқарашига қай даражада таъсир ўтказгани, таржима қилинган асарларнинг мавзу-мундари-

жаси ва оригинал асарларнинг ғоявий йўналишини қиёслаш ҳам кўп ҳолларда самарали тадқиқ ва аниқ ҳулосаларга замин яратади. Бобожон Санойининг тасаввуфнинг ўзак муаммоларига бағишлаб ёзилган икки асари ҳам ўз моҳиятига кўра ўз давридаги тасаввуфий қарашларнинг ҳулосаси сифатида майдонга келган десак, янглишмаган бўламиз.

“Ҳадиқат ул-азҳор ва жавоҳир ул-асрор” (“Туллар боғчаси ва сирлар жавоҳири”)нинг автограф қўлёзмаси бугунги кунда Шарқ қўлёзмалари марказида Р № 891-І рақами остида сақланади. Асар назму наср аралаш соф ўзбек тилида ёзилган бўлиб, маърифатнинг асосий масаласи – ўзликни англаш муаммосига бағишланган. Асарнинг муқаддимасида берилишича, Бобожон Санойи ёшлигидан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Зайниддин Муҳаммад Ғаззолийларнинг таълимотига қизиқиб, ҳикмат ва фалсафани чуқур ўзлаштирган. Унинг талқини бўйича, барча илмлар агар инсон ҳақиқатини англаш йўлида хизмат қилмас экан, бундай илмлар ўз моҳиятига кўра фойдасиз бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам, дунёвий илмларни эгаллашда ҳам, диний билимларни ўзлаштиришда ҳам инсон, энг аввало, илмнинг ҳақиқати, ўзликни англашда ушбу илмнинг фойдаси ва фазалликлари ҳақида тасаввур ва тушунча ҳосил қилиши керак. Бу йўлда илм талабида бўлган киши, энг аввало, ўз дунёқарашини ва маънавий камолот соҳибини бўлмоғи зарур. Агар, дейди Санойи, инсоннинг маънавий олами бузуқ бўлса, унинг ўрганган илми ва амали ҳам ўзига, ҳам жамиятга зарар келтиради. Ушбу иқтибосни Санойининг илм ҳақидаги қарашларининг ҳулосаси сифатида баҳолаш мумкин: “Ва ҳамма илмлар касбидин ғараз маърифатуллоҳдур. Ва маърифатуллоҳнинг ибтидоси маърифати нафсдур⁴.”

“Ҳадиқат ул-азҳор ва жавоҳир ул-асрор” асарининг бош ғояси – инсон нафсини таниш ҳисобланади. Қайд қилиш керакки, нафс масаласи қадимдан барча файласуфлар ва орифларни қизиқтириб келган. Нафс ҳақида яхлит тушунча ва мукаммал таъриф

¹ Тазкираи Лаффасий. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1999. 33-б.

² Фаҳр бин Амир Ҳиравий. Таржумаи “Ҳафт кишвар”. Таржимон: Мулло Бобожон Санойи. Р № 3802-І рақамли қўлёзма.

³ Саламов Г. Т. Литературные традиции и проблемы художественного перевода. Сопоставительно-стилистический и типологический анализ.// Автореф. дис. докт. филол. наук. – Т., 1982. – С. 13.

⁴ ТошДШИ ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. Р № 891–1, 20а-варак.



берилган эмас. Ҳар бир мутафаккир ўз дунё-қараши ва эътиқодидан келиб чиқиб, нафс тушунчаси, унинг турлари ҳақида турлича таъриф беради. Шу билан бирга, мусулмон Шарқи тафаккур тарихида нафс ва ўзлик масаласида барча талқин ва таърифлар ислом дини таълимоти ва унинг негизида шаклланган бошқа фанлар асосида яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Рус олими Степанянц М. таъкидлаганидек, “ислом оламида шаклланган барча назария ва таълимотлар тавҳид – яккахудолик ғояси атрофида бирлашади”¹.

Саноийнинг талқинига кўра, нафснинг биринчи луғавий маъноси “ўз”дир. Бу маъно “иззати нафс” иборасида сақланган. Нафснинг “ўз” деган маъносидан келиб чиққан яна бир маъноси бор, бу нарса ёки муддаонинг ўзгинаси, яъни айнан ўзи, ҳақиқати деган маънодир. Нафснинг турлари ва таърифлари кўплиги ҳақида Саноий ёзади:

*Кирмоийн ҳаргиз машоми жон аро,
Неча турлук нафс ўлур инсон аро*².

Илмда нафс деб, жисмнинг ўзидаги – унинг вужудини таъминловчи кучлар йиғиндисига айтилади³. Жонсиз жисмнинг нафсини “нафси маъданий” деб атаганлар ва бу нафс бир-бирига қарама-қарши икки кучдан иборат. Бири муҳитга интилувчи куч бўлиб, жисмнинг сиқилиб, ўзи учун керак бўлган даражадан ортиқ зичлашишга йўл қўймайди. Иккинчиси, марказга интилувчи куч бўлиб, бу жисмнинг бўшашиб ёки парчаланиб кетишига йўл қўймайди.

Ўсимликдаги ўстирувчи кучлар “нафси наботий” ёки “нафси номия” деб аталади. Ўсимликда маъданий нафс ҳам бўлади. Аммо бу нафс мазкур икки кучдан ташқари

ўсиш учун зарур бўлган саккизта кучга эгадир. Буларнинг биринчиси, озуқани ўсимлик ичига тортадиган, шимадиган куч бўлиб, “жозиба” деб аталади. Иккинчиси, озуқанинг керакли қисмини танада тутиб турувчи куч бўлиб, “мосика” деб аталади. Учинчиси, озуқанинг ҳазм қилувчи куч бўлиб, “хозима” деб ном қўйилган. Тўртинчиси, ҳазм бўлган озуқани танага сингадиганини сингмайдиганидан ажратувчи куч бўлиб, “мумаййиза” деб аталади. Бешинчиси, озуқанинг танага сингмайдиган, кераксиз ва ортиқча қисмини танадан ташқарига чиқарувчи куч бўлиб, буни “дофиъа” дейдилар. Олтинчиси, озуқани ўсимлик жисмига мослаштириб, шу жисмга айлантирувчи куч бўлиб, бу “мусаввира” деган номни олган. Еттинчиси, уруғлантирувчи куч бўлиб, “муваллида” деб аталади. Саккизинчиси, ўсимликнинг катталашишига ёрдам берувчи куч бўлиб, бунисини “мунаммия” деб атаганлар.

Жонли мавжудотнинг ҳис ва ихтиёрий ҳаракатини ишга солувчи кучларнинг йиғиндисини “нафси ҳайвоний” деб атайдилар. “Ҳайвон” сўзининг туб луғавий маъноси тирик ва тирикликдир. Шунинг учун ҳайвон сўзи кенг маънода қўлланилиб, ўсимлик жинсидан юқори жинсни англатиши мумкин. “Нафси ҳайвоний” деганда тирик мавжудотнинг тириклигини таъминловчи қувватлар йиғиндиси тушунилади. Тирикликка сезиш ва ихтиёрий ҳаракат хос. Буни кўриш (босира), эшитиш (сомиъа), татиш (зоика), ҳидлаш (шомма) ва тегиб сезиш (ломиса)дан иборат ташқи ҳис қувватлари ҳамда ҳисси муштарак, ҳаёл, ваҳм, ҳофиза ва мутасаррифа деб аталмиш бешта ички қувват таъминлайди. Нафси ҳайвоний мазкур бешта ички ва бешта ташқи ҳислардан ташқари яна шаҳват ва ғазаб деб аталган икки қувватни ўз ичига олади.

Инсонда эса буларнинг ҳаммаси мавжуд, ундан ташқари фақат унинг ўзига хос қувватлар ҳам бор. Бу тафаккур ва нутққа оид қувватлар бўлиб, буни нафси инсоний ва нафси нотиқа деб атаганлар. Нафси инсоний ҳис қилиб билишдан ташқари ўйлаб билиш ва ўйлаб топиш қобилиятига эга. Мана шу қобилиятга ақл дейилади. Ақл ва нутқ ба-

¹ Степанянц М. Т. Мусульманский мистицизм. – М.: Наука, 1992. – С. 23.

² ТошДШИ ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. Р № 891–1, 32а-варақ.

³ Бу ҳақда яна қаранг: Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Экстремум пресс, 2010. 22–26-б.; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Шарқ, 2012. 68–71-б.; Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 23–68-б.



шарга берилган шарафли имтиёз ҳисобланади ва инсонга унинг шу жиҳатини назарга олиб, ашраф ул-махлуқот, яъни яратикларнинг энг шарафлиси деган лақаб берилган. Ана шу жиҳат, яъни нафси инсоний маърифатига етишиш инсонни инсонийлик мақомини юқорига кўтарди. Акс ҳолда, барча эгаллаган билим ва касб-хунарлар ҳайвоний истак ва хоҳишларни қондириш учун хизмат қилади, дейди Санойӣ:

*Манга андоғ кишигадур инкор,
Нафс учун қилса пеша ул гаддор¹.*

Бобожон Санойӣда нафснинг ахлоқий жиҳатлари билан боғлиқ бир қанча истилоҳий сўз ва иборалар бор. Унинг назарида, тасаввуф нафсни ахлоқий жиҳатдан тараққий эттирадиган ҳаётӣ фалсафа бўлиб, у муайян риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вақтларда олий ҳақиқатга сингиш ҳиссиға олиб боради. Тасаввуф орқали нафснинг аҳволи – яхши ва ёмони, унинг ёмонини поклаш ва яхшисини зийнатлаш йўли, ёмон ҳислатлардан холи бўлиш, ҳар бир яхшидан ибрат олиш ила қурбатга ва висолға эришишдир.

Бобожон Санойӣ инсоний нафсни тўрт гуруҳга бўлади. Булар: нафси аммора, нафси лаввома, нафси мутмаинна ва нафси мулҳама. Нафси амморанинг луғавий маъноси доим буйруқ берувчи нафсоний куч бўлиб, бу ибора фақат нафс буйруғи билан иш қилувчи, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишиларга нисбатан қўлланилади. Бу нафс кишиларни ўғрилиқ, зўравонлиқ, бузуқликка ва ичкиликпарастликка олиб боради ва турли балоларга гирифтор қилади. Аччиқланиш, такаббурлик, кек сақлаш, ҳасад, ўчакишиш, жанжалкашлиқ, ғийбат каби салбий ҳислатлар нафси амморанинг асосий белгиларидан ҳисобланади.

Нафси лаввоманинг луғавий маъноси доим қойиб турувчи нафсоний куч бўлиб, нафс жиловини қўлга олган, нафсини ақлга бўйсундир-

ган ва нафс ғолиб келганда ўзини-ўзи қойиб, яна нафсини мағлуб қила оладиган кишининг нафси – нафси лаввома деб аталади.

Нафси лаввома соҳиблари кишининг яшаши учун зарур бўлган нафсоний талабларни ҳалол йўллар билан меъёридан оширмасдан қондирадилар. Натижада бундай кишилар ўзгаларни ҳам мамнун қилган ҳолда тинч ва фаровон ҳаёт кечиридилар.

Нафси мутмаинна соҳибларининг нафси батамом жиловланган бўлиб, булар нафс ғалаёнидан қутулиб хотиржам бўлган кишилардир. Бошқача қилиб айтганда, булар нафс талабларини ҳаёлға ҳам келтирмайдиган азиз кимсалардир.

Нафси мулҳама деганда кишида турли жозибабали истакларни уйғотувчи куч тушунилади. Бундай нафс кўпроқ илм, ҳикмат ва санъат аҳлида бўлади. Бундай нафс эгаларига ҳаяжон, ижод, фидойилиқ, гўзаллик ва олий қудратни севиш каби ҳислатлар хосдир.

Умуман айтганда, Санойӣ нафс маърифати ҳақида ёзган ушбу асари Ибн Сино, Форобий, Ғаззолий, Шабустарий, Жомий, Навоийларнинг қарашлари билан ҳамоҳанг бўлиб, шу билан бирга, муаллифнинг ўзига хос қарашларини ҳам ифодалайди. Нафс маърифати, нафс ҳақидаги билимларни ҳосил қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу сабабдан, Санойӣнинг асари каби мўътабар манбаларни ўрганиш ва ҳаётда татбиқ этиш долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Санойӣнинг ўзи айтганидек:

*Дониши нафсинг санинг осон эмас,
Ҳақға доно бўлмайин имкон эмас.
Кимса йўқким анга доно бўлғай ул,
Кимки ўз айбиға бино бўлғай ул.
Мисли ҳалвойе эрур пурзаҳр нафс,
Оламидин доруйедур қаҳри нафс².*



¹ Бобожон Санойӣ. Ҳақиқат ул-азҳор ва жавоҳир ул-асрор. ТошДШИ Шарқ кўлёмалари маркази. Р № 891–1. 546-варақ.

² Бобожон Санойӣ. Ҳақиқат ул-азҳор ва жавоҳир ул-асрор. ТошДШИ Шарқ кўлёмалари маркази. Р № 891–1. 64а-варақ.